

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ГУЗАЛ РАШИТОВНА

**НАРРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ КОГНИТИВ ШАКЛ ТОПИШИ ВА
УЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДА ВОҚЕЛАНИШИ
(У. Фолкнернинг “The Sound and the Fury” ва “As I Lay dying”
асарлари мисолида)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК 8;81'373.612.2
ББК 894. 375
Ю-91

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Юсупова Гузал Рашитовна

Нарратив тузилмаларнинг когнитив шакл топиши ва уларнинг
бадий матнда воқеланиши3

Юсупова Гузал Рашитовна

Когнитивное моделирование нарративных структур и их репрезентация в
художественном пространстве27

Yusupova Guzal Rashitovna

Cognitive modeling of narrative structures and their representation in
literary text53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВА ГУЗАЛ РАШИТОВНА

**НАРРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ КОГНИТИВ ШАКЛ ТОПИШИ ВА
УЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДА ВОҚЕЛАНИШИ
(У. Фолкнернинг “The Sound and the Fury” ва “As I Lay dying”
асарлари мисолида)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil272 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdchti.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Киселёв Дмитрий Анатольевич
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Джусупов Нурсултан Маханбет улы
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «5» феврал соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 60320 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» сентябр кuni тарқатилди.
(2022 йил «22» сентябр даги № 34 рақамли реестр баённомаси).



И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси педагогика фанлари доктори, профессор

Г.К.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, доцент

Н.З.Насруллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кун жаҳон тилшунослиги ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Улардан асосийлари сифатида: лингвистик экспансионизм, антропоцентризм, функционализм ва шунингдек, замонавий лингвистиканинг асосий вазибаларидан бири сифатида тилнинг ички тузилишини тушунтириб беришдан иборат деб ҳисобловчи йўналишларни тушуниш мумкин. Юқоридаги жараёнларнинг барчаси анъанавий ва янгидан шаклланган лингвистик ва адабий ҳодисаларни ўрганишда янги ёндашувлардан фойдаланиш натижасида юзага келган. Замонавий филологияда нарративга, айниқса уни когнитология нуқтаи назаридан таҳлил қилишга қизиқиш мавжуд ва бу кўп қиррали ўрганиш объекти турли тадқиқот соҳалари доирасида ўрганилувчи асосий муаммога айланган. Когнитив нарратологиянинг замонавий йўналишлари ҳануз шаклланиш босқичида бўлиб, у фанлараро, айниқса, когнитив адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар учун долзарб мавзудир.

Дунёнинг қатор етакчи илмий марказларида ҳозирги кунда илм-фаннинг замонавий йўналишлари, жумладан, когнитология, нарратология, дунёнинг лингвистик ва бадиий манзарасини ўрганиш ва маданиятлараро алоқалар доирасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда алоҳида эътибор ёзувчининг ижодий фаолиятида бадиий маконни моделлаштириш, асар мазмуни шаклланиши жараёнида когнитив тузилмаларнинг ролини аниқлаш каби муаммоларга қаратилмоқда. Когнитив моделлаштириш усули бадиий матнни нафақат унинг яратувчиси бўлган муаллиф, балки ўқувчи нуқтаи назаридан ҳам чуқур ўрганиш учун янги имкониятларни очиб беради. Когнитив ёндашув матннинг лингвистик тузилиши ҳамда матнда акс этган ахборотни ҳақиқий идрок этишни таъминловчи когнитив тузилмалар ўртасидаги муносабатни аниқлаш имконини берадиган икки томонлама диалогни назарда тутаяди.

XXI аср Ўзбекистони барча мамлакатлар билан маданий муносабатларни ўрнатишга интилаётган ҳар томонлама очиқ республикадир. Чет тиллари ва чет эл адабиётини ўрганиш халқаро алоқаларни кенгайтириш ва ўзбек маданияти намуналарини бошқа мамлакатларга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти адабиётни ўқитиш баркамол ва интеллектуал шаклланган авлодни тарбиялашда асосий маънавий-ахлоқий омил эканлигини таъкидларкан, “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”, деган фикрни билдиради¹. Шундай экан, жамиятнинг замонавий тараққиёт босқичида, бир томондан, хорижий тадқиқотчиларни қизиқтирувчи, бошқа томондан эса, Ўзбекистон учун амалий аҳамиятга эга бўлган саволларга эътибор қаратиш муҳимдир. Бизнинг

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi 25.01.2020 y. <https://review.uz/oz/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-savkat-mirzиеevning-olij-mazlisga-murozaatnomasi>

назаримизда, ҳозирги пайтда аксарият бадиий нарративни шарҳловчиларнинг (ўқитувчилар, таҳлилчилар, танқидчилар ва бошқалар) асосий камчилиги уларнинг таҳлилида кўпроқ маданий жиҳатга эътибор қаратилиб, тарихий контекст, муаллифнинг таржимаи ҳоли ва мафкуравий таҳлил олдинги ўринга чиқиб қолмоқда, адабий асарни тил материалисиз мавжуд бўлолмаслиги эса назардан четда қолиб кетади. Шу боис, лисоний таркиб таҳлили, айниқса, бўлажак филологларни тайёрлашда устувор аҳамиятга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-4958-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1875-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий макондаги нарратив тузилмаларни когнитив моделлаштиришнинг умумий ва ўзига хос муаммолари бир қатор олимларнинг асарлари ва диссертацияларида кўриб чиқилган ². Тадқиқотчиларнинг яна бир гуруҳи бадиий нарративнинг тузилиши ва типологияси билан боғлиқ масалаларни ўрганган ³; тил

² Андреева К.А. Маргинальные формы организации структуры и семантики современного нарратива // Вестник. ТюмГУ. 2006. № 4. С. 118- 123; Андреева К.А. Когнитивное моделирование ментального художественного пространства (от автора к читателю) // Слово, высказывание, текст в когнитивном, прагматическом и культурологическом аспектах. — Челябинск, 2008. Т 1. — С. 7-11; Матвеева Н.И. Нарративная структура англоязычного художественного дискурса: На материале романов "потока сознания" начала XX века. Дисс...канд. филол. наук. — Москва, 2003; Огнева Е.А. Когнитивное моделирование концептосферы художественного текста: 2-е изд. дополн. — М.: Эдитус, 2013. — 282 с.

³ Тюпа В.И. Нарратология как аналитика повествовательного дискурса —Тверь, 2001.- 58 с.; Лозинская Е.В. Энциклопедия нарративной теории издательства Раут-ледж // Реферативный журнал. — 2009. — Серия «Литературоведение». № 1. — С. 6; Лозинская Е.В. Когнитивное литературоведение: авторы, методы, перспективы. // Человек: образ и сущность.— М., 2010.— №1.— С. 192-225; Ахапкин Д.Н. Когнитивная поэтика и проблема дейксиса в художественном тексте // Когнитивные исследования. Сб. науч. трудов. Вып. 5 / Под ред. А.А. Кибрика, Т.В. Черниговской, А.В. Дубасовой. — М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2012. — С. 252–263; Ахапкин, Д. Н. Когнитивное литературоведение: От порядка к хаосу и обратно. новое

бирликларини когнитив йўналишда таҳлил қилиш билан боғлиқ масалалар ўзбек тадқиқотчиларининг ишларида ҳам кўриб чиқилган ⁴.

Бадий макондаги нарратив тузилмаларни когнитив моделлаштириш муаммоси ҳозирги пайтда когнитив нарратология ва когнитив адабиётшуносликнинг назарий асослари эндигина шаклланаётганлиги сабабли жуда долзарб ва деярли ўрганилмаган соҳа ҳисобланади. Нарратив тузилмаларни когнитив моделлаштириш ва уларнинг бадий маконда намоён бўлиши аниқ индивидуал-муаллифлик, миллий семантик ва аксиологик характерга эга бўлиб, уларда муаллиф яратмоқчи бўлган асар руҳияти аниқ намоён бўлади. Шу сабабдан, ушбу тадқиқотнинг назарий ва услубий-методологик асосини шакллантириш анча кенг кўламли ва мураккаб вазифа ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг "Матни шакллантиришнинг прагматик ва лингвокогнитив жиҳатлари" мавзуси доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади нарратив тузилмаларни когнитив моделлаштириш ва уларни бадий маконда акс эттириш усулларини У. Фолкнернинг "The Sound and The Fury" ва "As I Lay Dying" романлари мисолида кўриб чиқиш, шу билан бир қаторда, Фолкнернинг "онг оқими" услубидаги прозасининг лисоний тузилиши когнитив асосларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

литературное обозрение, 143(332–345). 2017; Шмид В. Нарратология. — М.: Языки славянской культуры, 2003. - 312 с.; Шмид В. Перспективы и границы когнитивной нарратологии. (По поводу работ Алана Пальмера о «fictional mind» и «social mind»). 2014. / [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://narratorium.rggu.ru/article.html?id=2633109> /; Маслова Ж.Н. Введение в когнитивную поэтику. — Тамбов, 2014. - 251 с.; Микалаускайте Е.Ю. Дискурсивная обработка культурной чужеродности в литературном ксенонарративе: коммуникативно-прагматический аспект. Дисс. ... кан. филол. наук. — Красноярск, 2019. — 257 с.; Abbott H. P. The Cambridge Introduction to Narrative. 2nd edn. — Cambridge, 2008.; Herman D. Cognitive Narratology // The Living Handbook of Narratology / Ed. P. Hühn, J. Ch. Meister, J. Pier, 2013 W. Schmid. /URL: www.lhn.uni-hamburg.de/article/cognitive-narratology-revised-version-uploaded-22-september-2013/

⁴Ашурова Д.У. Стилистика текста в парадигме когнитивной лингвистики // Филология масалалари. — 2003. — № 1. — С. 41–45; Ашурова Д.У. Стилистика в свете когнитивной теории языка // Ўзбекистонда хорижий тиллар/Иностранные языки в Узбекистане. Научно-методический электронный журнал. — 2018. — № 2 (21) — С. 104–110; Абдуазизов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики // Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим. — 2007. — № 3. — С. 5–6; Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий амалий конференция материаллари. — Тошкент: ЎзДЖТУ, 2011. — Б. 49–55; Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. — Жиззах: Санзор нашриёти, 2006. — 93 б.; Таджибаева А.А. Социокультурные и когнитивные аспекты лингвистического исследования эвфемизмов в английском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. — Ташкент, 2006. — 25 с.; Галиева М.Р. Теолингвистика: истоки, направления, перспективы. — Ташкент: Vnesh Invest Prom, 2018. — 260 с.; Нормуродова Н.З. Вербальная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном дискурсе: Автореф. дис. ... док. филол. наук. — Ташкент, 2020. — 76 с.; Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри. дисс. — Тошкент, 2015. — 240 б.; Н.М. Джусупов. Когнитивно-стилистические основы выдвижения в англоязычном художественном тексте. Дис. ... док. филол. наук. — Ташкент, 2020. — 330 с.

когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан бадиий нарративни тавсифлаш ва ушбу турдаги нутқий тузилма шаклланишининг асосий параметрларини аниқлаш;

бадиий нарративни моделлаштириш жараёнида иштирок этадиган лисоний ва нолисоний воситаларнинг турларини ажратиш;

нарратив трансформацияни (замон, макон, персонаж ва мавзуга боғлиқ бўлган ўзгаришлар) бадиий нарративни моделлаштириш стратегияларидан бири сифатида таҳлил қилиш;

муаллиф томонидан асар тил тузилишининг онгли равишда бузиш ҳаракатини ва тузилмаларни когнитив моделлаштириш жараёнидаги семантик ихчамлаштириш тамойили фаоллашуви шартларини белгилаш;

персонажнинг ботиний нутқидан иборат воқеалар баёни қисмларининг ўзаро боғланиш қонуниятларини ўрганиш орқали уларнинг содир бўлаётган воқеа объектив тасвирини таъминловчи омил эканлигини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нарратив тузилмаларни когнитив моделлаштириш жараёнида иштирок этадиган воситалар, усуллар ва механизмлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини муаллиф томонидан қаҳрамонлар нутқи матнларида, нарратив трансформациялар жараёнида кодлаштирилган ва асарни ўқувчилар томонидан идрок этилиши пайтида акс топган маълумотлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Асосий тадқиқот усули сифатида когнитив-дискурсив таҳлил усули танлаб олинган бўлиб, ишда, шунингдек, лингвистик тадқиқотнинг умумий ва ўзига хос усуллари: тавсифлаш, компонент таҳлили, ахборот-семантик таҳлил, когнитив моделлаштириш, когнитив – концептуал тавсиф, контекстли таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

У. Фолкнер қаламига мансуб "The Sound and the Fury" ва "As I lay Dying" романларидаги коммуникатив аҳамиятга эга бўлган замон, макон, персонаж ва мавзуга боғлиқ бўлган ўзгаришлар матн мундарижасига таъсир ўтказиш орқали нарратив кўчимларни мантиқий асослаши ва асарнинг умумий ғояси ифодасига ҳисса қўшиши исботланган;

персонажлар мулоқотини ("As I lay Dying" романидаги қаҳрамонлар нутқи матнлари мисолида) тасвирловчи матн парчалари структур тузилиши ва мазмуний яхлитлигини таъминловчи лисоний ва нолисоний воситалар прагма-когнитив имкониятлари фаоллашуви замирида бадиий асарда ўзига хос нарратив тузилмаларни ҳосил қилиши далилланган;

"онг оқими" дискурсида қайта акс этириш вазифасининг маълум турдаги контекстларда воқеланиш шартлари очиб берилиб, ўзига хос нарратив тузилиш танланишига таъсир қилувчи лексик-семантик, синтактик ва прагматик омиллар қатори аниқланган ҳамда уларни таснифлаш усуллари ишлаб чиқилган;

замонавий адабиётшуносликнинг терминологик тизимига бадиий асарни коммуникатив тузилма сифатида талқин этишда матн тузилиши ва мазмуни таҳлилининг янги имкониятларни очиб бериш имкониятига эга "нарратив"

тушунчасининг киритилиш зарурияти асослаб берилган ҳамда ушбу тушунчанинг моҳиятини белгиловчи лингвокогнитив хусусиятлари ёритилган;

муаллиф томонидан матндаги нутқий тузилмалар структурасининг онгли равишда бузилиши маълум прагма-стилистик вазифа ижросига йўналтирилиши билан бир қаторда, дискурса ахборот ифодаси жараёнида амал қилинадиган лисоний тежамкорлик тамойили фаоллашуви намунаси эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: ўтказилган тадқиқотлар маълум даражада прозаик асарни англаш, танланган объектнинг санъат асари сифатида бадиий ва эстетик аҳамиятини инобатга олган ҳолда қабул қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради, бу чет тилларини ўқитиш амалиёти учун жуда муҳимдир, чунки махсус йўналишдаги олий ўқув юртларида чет тилидаги бадиий матн билан ишлашга салмоқли ўқув соати ажратилган.

Бундан ташқари, ишлаб чиқилган назария ва таҳлил методи олий ўқув юртларида она тилида ёзилган бадиий матнлар устида олиб бориладиган машғулотларда қўлланилиши мумкин. Диссертация материалларидан аналитик ўқиш, стилистика бўйича дарсларда, шунингдек, бадиий матнни талқин қилиш бўйича махсус курслар учун қўлланмалар тайёрлашда, маданиятлараро ва шахслараро мулоқот тизимини ўрганишда, филологик герменевтика соҳасида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган усулларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, таҳлил қилинган материалнинг катта ҳажми ва ишончли манбалардан олинганлиги, ушбу соҳада илгари амалга оширилган тадқиқотларнинг назарий ҳолатларига таянганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг диссертация ишининг назарий ҳолатларига мувофиқлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқотнинг илмий аҳамияти унинг натижалари когнитив адабиётшуносликнинг мустақил илмий йўналиш сифатида ривожланишига ҳисса қўшиши билан ҳамда нарратив таҳлилнинг ишлаб чиқилган усули умумий характердалиги ва у бошқа тиллардаги бадиий асарларнинг таҳлил жараёнида ҳам қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда таклиф қилинган фанлараро ёндашув бадиий асарни кенг кўламда ўрганиш имконини беришида намоён бўлади. Тадқиқот материаллари ва хулосалар таҳлилий ва танқидий ўқиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун алоҳида аҳамиятга эга. Улардан магистрлик диссертацияларини ёзишда, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни яратишда, шунингдек, инглиз адабиёти бўйича назарий ва амалий машғулотлар учун материаллар захирасини бойитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий нарративни моделлаштириш жараёнида когнитив механизмларни таҳлил қилиш ва уларни талқин қилиш усуллари, шунингдек, нарратив трансформация воситаларини таҳлил қилиш ва уларнинг бадиий матн майдони доирасида тилга кўчиши усулларини тавсифлашнинг ишлаб чиқилган тамойиллари қуйидаги лойиҳаларга татбиқ этилди:

бадиий матнни талқин қилиш жараёнида когнитив моделлаштиришнинг аҳамиятини аниқлаш бўйича хулосалар Эрасмус+ 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-CBHE-SP-ERASMUS+CBHE IMEP "Ўзбекистонда олий таълим жараёнларини модернизация қилиш ва байналмилаллаштириш" ахборот-тадқиқот лойиҳаси назарияси ва амалиётини бойитиш учун қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июлдаги 89-03-2567-сонли маълумотномаси), натижада, бадиий матнни тушунишдаги янги когнитив ёндашув айрим ўқув қўлланмалар ҳамда диссертациялар яратиш, шунингдек, талабалар ва ўқитувчиларнинг тилшунослик, таржимашунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги билим ва маҳорати оширилишига эришилган;

олиб борилган таҳлил натижалари И-204-4-5 "Ахборот-коммуникация технологиялари асосида инглиз тилининг махсус фанларидан виртуал ресурсларни яратиш ва уларни ўқув жараёнига жорий этиш" инновацион лойиҳаси доирасида таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган услубий қўлланмаларни яратишда ҳисобга олинди, (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июлдаги 89-03-2567-сонли маълумотномаси) натижада, ўқитувчиларнинг лисоний ва коммуникатив билим кўникмаларини оширишга, уларнинг дидактик компетенциясини такомиллаштиришга муваффақ бўлинган;

тадқиқотда ишлаб чиқилган норратив тузилмаларни моделлаштириш механизмларини аниқлашга оид хулосалардан Эрасмус+ 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: "Computational Linguistics at Central Asian Universities" Эрасмус грант лойиҳаси доирасидан фойдаланилган ҳамда ушбу турдаги моделлаштириш амалларининг протосхемалар таҳлилинини оптималлаштириш имконияти синаб қўрилган. Натижада, бу бадиий матн таҳлилига мўлжалланган компьютер лингвистикаси соҳасида лойиҳани ишлаб чиқишга хизмат қилган;

когнитив моделлаштириш билан боғлиқ назарий ва амалий натижаларидан OT-Atex-2018-519 "Компьютер имитацион моделлари асосида виртуал ресурслар веб-иловаларининг дастурий таъминотини яратиш" лойиҳасида фойдаланилган ҳамда уларнинг виртуал ресурслар мундарижасини белгилаш имкониятлари аниқланган. Бунинг натижасида бадиий матнни компьютер воситасида моделлаштириш технологиясини такомиллаштириш тамойилларини шакллантиришга эришилган;

нарратив тузилмаларни когнитив моделлаштириш ва уларни бадиий маконда намоиш этиш тамойиллари тўғрисидаги илмий хулосалар Самарқанд вилоят радиосининг "Ассалом Самарқанд" дастури сценарийсига киритилган ва ушбу дастурини тайёрлашда ишлатилган, (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 9 ноябрдаги 09-02 / 326-сонли

маълумотномаси). Натижада фойдаланилган лисоний материаллар радиоканалнинг олиб бораётган эшиттиришлари савияси ва самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш нашр этилган. Шулардан 7 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган 2 та хорижий ва 5 та республика илмий журналарида эълон қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг **"Когнитив нарратология ва бадиий макондаги нарратив тузилмаларни моделлаштириш"** деб номланган биринчи бобида нарратив тадқиқ истикболлари ва назарий муаммолари, бадиий матн нарратологияси соҳасининг асосий устувор йўналишлари, шунингдек, бадиий маконни когнитив моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган.

Сўнгги ўн йилликларда, нарратив ҳодисасига бўлган қизиқишнинг когнитив нуқтаи назардан кучайиши кузатилди ва ушбу кўп қиррали объект тадқиқ учун асосий муаммога айланди.

Рус формал мактаби вакиллариининг нарратологик муаммоларни ишлаб чиқишга қўшган ҳиссаси "фабула" ва "сюжет" каби тушунчаларни фарқлашдан иборат бўлди. Фабулани материал сифатида ва сюжетни шакл сифатида талқин қилиш долзарб бўлиб, у воқеалар давомийлигини бошқариш усуллариини намойиш этади. Б.В. Томашевский фабулани "ўзаро ички боғлиқликдаги воқеалар мажмуаси", сюжетни эса "асардаги воқеаларни бадиий жиҳатдан қурилган тақсимоти" сифатида изоҳлаган⁵.

⁵ Томашевский, Б.В. Теория литературы. Поэтика: Учеб. пособие / Б.В. Томашевский / Вступ. статья Н.Д. Тмарченко; Комм. С.Н. Бройтмана при участии Н.Д. Тмарченко. – М.: Аспект Пресс, 1999. – С.119

Француз структуралистлари Р. Бартес, С. Бремонт, А.-Ж. Греимас, Ж. Генететларнинг асарларида⁶ адабиётшуносликида, бадий нарративга бўлган қизиқишнинг тобора кучайиб бориши акс этган бўлиб, бу эса янги мустақил фан - нарратологиянинг пайдо бўлишига олиб келди. Нарратив тушунчаси айнан уларнинг асарларида биринчи марта истеъмомлга киритилган. Цветан Тодоров ўзининг "Grammaire du Decameron" (1969)⁷ асарида нарратология тушунчасини "ҳикоя қилиш фани" деб тавсифлаган. Кейинги бир қатор тадқиқотларнинг мақсади нарративнинг универсал моделини яратиш бўлиб, шу муносабат билан унинг таркибини ташкил этувчи бирликлар ва уларни боғлаб турган қонуниятлар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, уларнинг асарларида "нарратив" ва "ҳикоя қилиш" атамалари фарқланмаган, балки синоним сифатида ишлатилган.

1988 йилда нашр этилган "Нарратология луғатида" Ж. Принс нарратология атамасини икки хил маънода изоҳлаган. Биринчидан, нарратология - бу «структур ёндашув ҳосиласи бўлган ҳикоя назарияси. Нарратология ифода шаклидан қатъий назар нарративнинг табиатини, шаклий тузилишини ва ишлаш принципини ўрганади, шунингдек, нарратив компетенцияни тавсифлайди. Хусусан, у барча нарративларга хос умумий ва хусусий жиҳатларни ўрганади ва уларни яратиш ва англаш қобилиятини тушунтиришга ҳаракат қилади»⁸. Иккинчидан, нарратология нарративни «вазият ва ҳодисаларни вақт кесимида акс эттирувчи лисоний шакл сифатида ўрганади. Нарративнинг мазкур тор маънодаги таърифида, нарратология эътиборни сюжетнинг ўзига эмас, балки сюжет ва нарратив матн, ҳикоя ва нарратив матн, сюжет ва ҳикоя ўртасидаги эҳтимолий муносабатларга қаратади. У вақт, модаллик ва қай ўринда иштирок этиш каби муаммоларни махсус ўрганади»⁹. Луғатда берилган изоҳда нарративнинг коммуникатив ва прагматик табиати таъкидлаб ўтилган.

Юқорида кўриб чиқилган нарративга хос таърифлар асосида шуни таъкидлаш керакки, когнитив нарратологиянинг адабиётшуносликка хосланган йўналишига ҳамда ушбу ишимизда кўйган вазифаларга нисбатан Д. Принс ва Д. Херманнинг берган таърифи устувордир. Шундай қилиб, «нарратив – бу бир, ёки ундан ортиқ ҳикоя қилувчи томонидан бир нечта адресатга бир ёки ундан кўп реал ёки тўқима ҳодисани маълум макон ва замонда етказиб беришдир. Айни пайтда нарративнинг ўзи инсоният тажрибасини ташкил этишнинг асосий усули ҳамда реаллик моделларини яратиш воситаси ҳамдир». Бундан келиб чиқадики, ушбу таъриф бадий матндаги нарратив ва унинг барча таркибий қисмларини моделлаштириш жараёни ва услубларини қамраб олади.

Нарратология назарияси ва амалиётининг турли жиҳатлари чуқур ва ҳар томонлама В. Шмиднинг "Нарратология" китобида ёритилган бўлиб, у

⁶ Холбеков М.Н. Структур адабиётшунослик. - Т.:Навруз, 2014- 139 б.

⁷ Todorov T. Grammaire du Décaméron. La Hague, 1969.- С. 10

⁸ Prince G.A. Dictionary of Narratology. - Great Britain: Scholar Press, 1988. — P. 58

⁹ Ўша ерда.

бизнинг тадқиқотимиз учун асосий назарий манбалардан бири ҳисобланади. Шмиднинг фикрича, нарратология — бу "ҳикоя қилиш назарияси"¹⁰.

Нарратологиянинг асосий тушунчалари - бу нарратив, нарративлик, воқеа, ҳикоя иштирокчилар (реал ва мавҳум муаллиф ва ўқувчи, нарратор ва наррататор, актор), нуқтаи назар, фабула, сюжет, дискурс ҳисобланади. Нарратив, умуман олганда, бизни қуршаган оламни тартибга солиш ва тушунишнинг асосий шакли сифатида тушунилади, адабий танқид нуқтаи-назаридан эса - бу ҳикоя орқали атрофдаги воқеликни ўзлаштиришнинг махсус тузилмасидир.

Когнитив тилшуносликнинг таянч усулларида бири когнитив моделлаштириш усули бўлиб, у матндаги маълумотларни шарҳлашга хизмат қилувчи лисоний тузилмалар ҳамда когнитив тузилмалар ўртасидаги муносабатни аниқлаш имконини беради.

Бадиий нарратив муаммосига когнитив йўналишдаги эътиборнинг кучайиши, биринчи навбатда: "Ёзувчининг онги қандай қилиб, нимага асосланиб маълум матн тузулмаларини яратади ва ўқувчининг онги уларни қайта ишлайди?", "Онгни ишлаш функцияси қандай тузилган?" ва "Биз қай усулда ўйлаймиз?" тарзидаги саволларнинг ўтган минг йиллик якунида фаоллашуви билан чамбарчас боғлиқдир.

Когнитив нарратологияда таҳлил жараёнида матндаги маълумотни танлаш ва тартиблаштириш (лисоний ва нолисоний), услублар ва матн тоифаларининг когнитив талқини, матнни идрок этиш, тушуниш ва талқин қилишнинг когнитив босқичларини ўрганиш, лингвокогнитив усуллар ва тадқиқот методларини жорий этиш билан боғлиқ масалалар катта қизиқиш уйғотади.

Когнитив нарратология кўп жиҳатдан фанлараро лойиҳа мақомига мос келади. Нарратив назарияси замонавий илм-фанда "фанлараро илмий ҳодиса" сифатида қаралмоқда, нарративнинг ўзи "фанлар ва тасаввур воситаларининг чегараларини кесиб ўтувчи семиотик ҳодиса"¹¹, адабий нарратив эса нарративнинг хужжатли, кундалик, кинематографик ва бошқа шунга ўхшаш тармоқларидан бири ҳисобланади.

Когнитология нуқтаи назаридан нарратив семантика — бу аломатлар ва уларнинг маънолари ўртасидаги қатъий қайд этилмаган муносабат, энг биринчи навбатда - турли хил белги тизимлари ёрдамида акс эттирилиши мумкин бўлган когнитив тузилишнинг махсус туридир.

Инсоннинг ички дунёсига қизиқиш, унга чуқур кириб бориш ва унинг ботиний ҳаёти "механизмини" англаш истаги янги бадиий воситаларни излаш заруриятини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, "“Шовқин ва ғзаб” романининг "сирли" таркиби, хусусан, ёзувчининг ўз қахрамонларининг онги ва онг остидаги энг махфий жойларгача иложи бориша чуқурроқ кириб бориши, уларни ботиндан воқеликни субъектив ҳис қилиш ва қабул қилиш

¹⁰ Шмид В. Нарратология. - М.: Языки славянской культуры, 2003. – С.11

¹¹ Лозинская Е.В. Энциклопедия нарративной теории издательства Раут-ледж // Реферативный журнал. 2009. Серия «Литературоведение». № 1. — С. 6

жараёни орқали кўрсатиш истаги билан белгиланади" ¹² тарзидаги таъкидни ўринли деб билиш керак.

Роман муаллифининг персонаж "тафаккур фаолияти"га мурожаат қилиши бадий адабиётда янги нарратив тузилма моделининг пайдо бўлишига олиб келган, бу ҳолатда "хаёлий" тасвир, баён ва мулоҳаза, ҳаттоки бошқа қаҳрамонлар билан "хаёлий" диалоглар ҳам мавжуд. Фолкнер қаҳрамонлари воқеликдан узилмайди (Бенжидан ташқари). Улар рухий ҳолатининг турфа жилолари реал ҳаёт билан тўқнашув орқали, субъектив онгининг ташқи дунё билан ўзаро таъсирида намоён бўлади ва уларнинг ассоциацияси оқимини нафақат "умумий мен" бирлаштиради; балки у объектив қарама-қаршиликни акс эттирадиган мақсадга эгадир.

Бадий матни идрок қилиш - бу "матн – ўқувчи" оппозициясига асосланган когнитив-интуитив ёндашув иштирок этадиган тафаккур жараёнидир. Шунга кўра, У. Фолкнер Бенжи нарративи воситасида "The Sound and the Fury" романи бошланишида эстетик муносабат тамойилини ўрнатади ва палапартиш оламга Компсон оиласидаги ака-укаларнинг бири 33 ёшли "аҳмоқ" Бенжи образини олиб киради.

Бенжи нарративи орқали У. Фолкнер Компсон оиласи тарихининг "шахслар сиймоси"даги ниҳоятда майда бўлақларга бўлинган ва ноаниқ тасвирини яратади. Романнинг II боби "June 2, 1910"да бадий ҳақиқат У. Фолкнер томонидан нутқининг "онг оқими" Бенжи нарративига мутлақо зид бўлган интеллектуал-файласуф Квентин нуқтаи-назаридан баён қилинган.

III боб (April 6, 1928)нинг асосий қаҳрамони ва нарратори Компсонлар оиласининг кичик фарзанди ишбилармон, прагматик ва ўта беҳаё Жейсон бўлиб, унинг ҳаётининг асосий мазмуни бойлик орттириш ва пулдир. IV боб (April 8, 1928)нинг нарратори муаллифнинг ўзи. Бадий нарративни ташкил қилишнинг бу тури образли антитеза яратиш имконини беради, бунда ўтмиш барча яхшиликларни, бугунги кун эса уларнинг мутлоқ тескарисини акс эттиради.

Шу нуқтаи назардан, У. Фолкнер **бадий маконни моделлаштириш**да фожиа ҳолатини яратиш учун барча семантик ва расмий воситалардан фойдаланганлиги ишонарли бўлиб кўринади. Унинг асарларида якун йўқ, оқибатда, "Шовқин ва ғазаб" романида бўлгани каби хотима доимо очик бўлиб қолади.

У. Фолкнер танлаган бадий шакл романнинг ажралмас, узвий қисмига айланди. Ушбу шаклсиз "Шовқин ва ғазаб" мавжуд бўлолмайди, "шовқин", "ғазаб" маъносидан маҳрум асар "умуман бошқача ҳикоя"га айланади. Асарнинг асосини ташкил этган "шовқин ва ғазаб" ("sound and fury") тушунчаларини Фолкнер Макбетнинг барчага таниш монологидан олган:

... It is a tale
Told by an idiot, full of sound and fury,
Signifying nothing.¹³

¹² Савуренок А.К. Романы У. Фолкнера 1920-1930-х годов. -Ленинград: Издательство ЛГУ имени А.А. Жданова, 1979. — С. 67

Шуни тахмин қилиш мумкинки, ўрганилаётган романнинг бадий маконида нарратив тузилмаларни моделлаштириш жараёнида У. Фолкнер ҳикояси нафақат тушунарли бўлиб қолишини, балки ўқувчиларга таъсир кўрсатишини ва таассурот қолдиришини хоҳлаган. Бунинг учун нарратор ўзининг ҳикояси таркибий қисмлари максимал даражада тингловчи ҳиссиётга таъсири этишига ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, яъни нарратив ҳиссиётга таъсир қилмаса, у нарративни қабул қилувчи онгида қайта акс топмайди.

Ўрганилаётган "Овоз ва ғазаб" ва "Мен ўлаётганимда" асарларида мавзуй ва формал унсурлар мураккаб эстетик мазмунни шакллантириш орқали ўзаро муносабатга киришади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Онг оқими прозаси нарратив тузилмаларини моделлаштиришнинг когнитив хусусиятлари ва уларнинг бадий маконда намоён бўлиши”**, деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи қисми ҳикоявий дискурснинг асосий воситаларидан бири нарратив трансформациялар тавсифига бағишланган.

Бадий матнни моделлаштиришнинг таркибий қисми нарратив трансформациялардир. Нарратив трансформациялар - бу тўғридан-тўғри нафақат жанрга, асар йўналишига, муаллифнинг услубига ва бошқаларга боғлиқ бўлган, балки муаллифнинг асосий ғоясига ҳам бўйсунадиган муайян баён услубларидир. Бундай трансформациялар муаллифнинг асар асосий ғоясини қайта кўриб чиқиши натижасида пайдо бўлади, унинг асосида, одатда маълум бир вазият ёки тарихий воқеа ётиши мумкин.

Ҳикоянинг ўзига хос хусусияти унинг замон кўрсаткичига эга бўлишида, баён қилинган таркибни маълум вақт ҳудудига жойлаштиришда акс этади. Бундай ҳолда, ягона воқеалар, такрорланадиган ҳодисалар, ҳолатлар, универсалликлар, вақт оқимларини чегаралаш, ва баён жараёнида вақтни талқин қилишнинг бошқа вариантлари ўртасидаги муносабатлар тўғрисида саволларга жавоб излаш талаб қилинади.

Шундай қилиб, вақт тушунчаси У. Фолкнернинг "The Sound and the Fury" романида муҳим моделлаштириш манбасидир. Бунда “реал ва лисоний замон” тушунчаларини фарқлаш лозим. Бизнинг фикримизча, ушбу тушунчалар орасидаги фарқни Э. Фарино жуда тўғри тасвирлаган: “реал вақт ҳар доим айни тарзда нутқий тузилмада акс топиши мумкин ва персонаж учун тушунарли бўлиши мумкин, лингвистик замон эса ҳикоячи қилувчи (сўзловчи) хоҳишидан келиб чиқади, баён қилинган воқеани маълум вақт нуқтаи назаридан яратиши ҳамда қабул қилиши мумкин, яъни уни, ҳозирги ёки ўтмишга, келажакка ёки аввалгисига айлантиради”.¹⁴

У. Фолкнернинг ўрганилаётган романида лингвистик замон устунлик қилади, чунки унинг уч қисмида ҳикоя қилиш "онг оқими" техникасида турли хил персонажлар номидан ва фақат охириги тўртинчи қисмдагина

¹³ Shakespeare W. "Macbeth", act V, scene 5 (<https://www.nosweatshakespeare.com/macbeth-play/text-act-5-scene-5/>)

¹⁴ Фарино Е. Введение в литературоведение. – СПб.: Изд-во РГПУ им.А.И.Герцена, 2004. –С. 363-364

муаллифнинг ўзи номидан амалга оширилади. Охирги қисмда "реал вақт" етакчи ўринга чиқади.

Тадқиқотнинг навбатдаги қисми "Нарратив транспозициянинг композицион усули, нарратив транспозицияларни моделлаштириш" деб номланган.

Тадқиқотнинг ушбу босқичида биз У. Фолкнер ҳикоя мантиғининг ноанъанавий табиати ва унинг матнда амалга оширилишини ўргандик. У. Фолкнернинг "The Sound and the Fury" романида "онг оқими" усули романда ҳикоя тузилишининг махсус шакли даражасида, яъни ҳикоя режаларида (транспозицияларида) кечадиган турли силжишлар орқали амалга оширилади. Н.И. Матвеева "нарратив транспозиция" атамасига қуйидаги таърифни беради: "нарратив транспозиция деганда биз персонажларнинг вақтга ҳос, фазовий ёки ҳикоя планининг мавзуй силжиши орқали бирдан иккинчисига ўтишини тушунамиз"¹⁵.

Таҳлил учун, ҳар бир бобда персонажларни идрок этишга қаратилган воқеаларни танлаб олдик. У. Фолкнер уларнинг ҳар бирини интеллектуал, ахлоқий ва ижтимоий турларини идрок этиш орқали тавсифлайди. Бу барча транспозицияларнинг тасвирини яратишга имкон берди. Одатда, персонаж, замон, макон ва мавзуй транспозициялар ажратилади. Ушбу таснифдан фойдаланган ҳолда У. Фолкнер романида уларнинг фаоллашуви ва ўзаро муносабатга киришувини кўриб чиқдик. Бу ҳолатлар қуйидаги кўринишларга эга:

1. Замонга оид;
2. Персонажга оид;
3. Персонаж + замонга оид транспозиция;
4. Макон + персонаж + замонга оид транспозиция;
5. Мавзуй + персонаж + замонга + макон транспозицияси;

Роман бобларини тузишда замонга оид кўчимнинг аҳамияти ва хронологик кўрсаткичга эга бўлмаган нарратив транспозициясидан фойдаланиш қатъиян муаллифнинг бадиий мақсадидан келиб чиқади. Бизнинг фикримизча, роман боблари қурилишида замон транспозициясининг содир бўлиши фожиали, ҳиссий туйғуларга мос келади ва Компсонлар аристократик сулоласининг таназулини тавсифлайди. Бу фожианинг модаллиги персонажга ҳос нарратив транспозицияни ҳосил қилган ва бу ерда ҳикоя айни пайтда 33 ёшга кирадиган ақли заиф Бенжи номидан бошланади. Ушбу бобнинг нарратори Бенжи ўз атрофидаги персонажлар ёки у иштирок этаётган воқеаларга бирон бир баҳо беришга қодир эмас. Шу аснода муаллиф мантиқсиз таассуротларнинг тартибсизлигини гавдалантирмоқда.

"Макон + персонаж + замонга оид" транспозициянинг навбатдаги тури Бенжининг акаси Гарвард университети талабаси Квентин томонидан ҳикоя қилинган "June 2, 1910", деб номланган иккинчи бобда ниҳоятда ёрқин намоён бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, Компсонлар оиласи қора танлиларга алоҳида муносабатда бўлган Америка жанубини акс эттиради.

¹⁵ Матвеева Н. И. "Нарративная структура англоязычного художественного дискурса: На материале романов "потока сознания" начала XX века". Дисс...канд. филол. наук. — Москва, 2003.

Квентин Гарвардда, яъни Америка шимолида таҳсил олган ҳамда аристократлар вакили сифатида қора танлиларга хизматкор каби муносабатда бўлишга одатланган. Шунинг учун муаллиф жанубликнинг образини Квентиннинг шимолликларга хос қора танлиларга муносабати орқали моделлаштиради. Бундай вазиятда нарратив маданий ҳодиса, мавжуд ҳақиқатни кодлашнинг маълум бир усули сифатида ишлайди¹⁶. Жанублик бўлган У. Фолкнер "қора танлилар билан боғлиқ" бир қатор вазиятлар орқали Квентин нарративининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтади. Бунинг учун трамвайдаги саҳнани таққослаш кифоя:

"The only vacant seat was beside a nigger. He wore a derby and shined shoes and he was holding a dead cigar stub"¹⁷.

"Ўриндиқлар барчаси эгаллаб олинган, қора танли кишининг ёнида фақат битта жой бўш. У тешик шляпада, сайқалланган пойафзалда ва чекиб бўлинган тамаки қолдиғини бармоқларида ушлаб турибди" (Г.Ю.)¹⁸.

"Ўз жонига қасд қилиш" мавзусига ўтиш Квентин ўз жонига қасд қилиш жойи сифатида танлаган кўприк орқасидаги маконга боғлаб белгиланган. Квентин ушбу эпизодда ўз жонига қасд қилишнинг тайёргарлик машқини бажармоқда. Айнан шу туртки негр фольклорига мурожаат қилишга ундаган ва бу ерда ғарқ бўлган одам (drowned man) асосий фигурадир. У. Фолкнер "сув" мавзусини троплардан фойдаланиб, образли ривоят кўламида ривожлантиради. "Сув **порлайди, ўйнайди**, (персонификация) **нафас олаётганга ўхшайди** (таққослаш) ва сал тебранади, **гўё нафас олади** (таққослаш)) - денгиз ғорлари ва қояларида **тинч ухлаш** (метафора) учун парчаланиб кетган денгизга сузиб боради". "It (water) twinkled (personification) and glinted, **like breathing**, (simile) the float slow **like breathing** too (simile), and debris half submerged, healing out to the sea and the caverns and the grottoes of the sea» (metaphor).

Шундай қилиб, нарратив транспозициялар воқеланиши У. Фолкнернинг бирдан-бир мақсади эмас. Кўриниб турибдики, ушбу услуб романни идрок этишни мураккаблаштирамайди, у мантиқан муаллифнинг асосий ғояси ва ҳар бир нарраторнинг руҳий, интеллектуал ва ижтимоий хусусиятларига асосланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, руҳий ногирон қаҳрамон образини яратишнинг асосий усулларида бири бу персонажнинг ўзига хос лисоний ва услубий "портрети"ни яратишдир. Бенжининг "нутқий портретини" яратиш учун У. Фолкнер томонидан қўлланилган бадиий тамойил меъёрий талаблар бузилиш ҳолатларини аниқ ифодалайди, бу ерда тил сатҳи бадиий тузилишнинг эстетик ва адабий-композицион сатҳларига бўйсундирилган. Матнда меъёрий тақсимотнинг энг ёрқин бузилишларидан бири У. Фолкнер томонидан "аҳмоқ" Бенжи нутқига тақлид қилиб айтилган куйидаги

¹⁶ Алещанова И.В. Нарратив как культурная модель // Вестник НГУ. Сер. Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2006. – Т. 4. – Вып. 1. С. 40

¹⁷ Faulkner W. The Sound and the Fury. P. 56

¹⁸ Таржима тадқиқотчига тегишли.

таққослашлардир: “Caddy smelled like leaves”, “Caddy smelled like trees”¹⁹, “Caddy smelled like trees in the rain” ва бошқалар²⁰.

Аслан У. Фолкнер томонидан яратилган, ammo Бенжи нуқтаи назарини ифодаловчи нарратив тузилмалар ҳар дам изохга муҳтож, шунинг учун уларнинг луғавий захираси асосан объектларнинг номларидан иборат.

Матнда гап тузилишини меъёрий тартиби бузилишига хос куйидаги мисолларни келтириш мумкин:

“Then **the room came**, but my eyes went shut”²¹ ;

“**The room went away**, but I didn't hush, and **the room came back** and Dilsey came and sat on the bed, looking at me”²²;

Когнитив нарратология нуқтаи назаридан қараганда, У. Фолкнер асарлари *ноанъанавий нарратив* ёки *мураккаб нарратив тузилишига эга бўлган ноанъанавий ҳикоя* усулидан фойдаланганлиги билан эътиборни жалб қилади. “Шовқин ва ғазаб” романи матнида баён воситаларининг айрим турларини ажратиб кўрсатиш мумкин; масалан, бир қисмдан иккинчисига ўтиш курсив билан белгиланган, бу эса баён босқичларини бир–бирдан ажратиб туради. Курсив, бизнинг фикримизча, бундай ўзгаришни акс эттирувчи асосий нарратив мосламадир. Курсивдан ташқари, матндаги баён чегаралари, олдин таъкидланганидек, маълум бир вақт оралиғини белгилайдиган белгилар тизими орқали кўрсатилади. Ҳикоянинг бир босқичидан иккинчисига ўтишнинг асосий воситаларидан бири диалогдир. Матндаги замон диалог ёрдамида ўрнатилади ва шу аснода макон белгиланади. Масалан, анҳор бўйидаги сахна Бенжининг рамзий макони бўлиб, “**water**” сўзи Бенжи учун бир зумда руҳан қайта тикланишни уюштирувчи белги:

“I hushed and got in the **water** ...

... and Roskus came and said to come to supper and Caddy said,

It 's not supper time yet I 'm not going”.

She was wet. We were playing in the branch and Caddy squatted down and got her dress wet and Versh said, “Your mommer going to whip you for getting your dress wet”. “She's not going to do any such thing”. “Caddy said. “How do you know”. Quentin said.

“That's all right how I know” Caddy said. “How do you know”. “She said, she was”. Quentin said”. “Besides, I'm older than you”²³.

Ушбу парчада муаллиф болаларнинг қисқа мулоҳазаларига бой диалогига тақлид қилади. Мулоқот давомида қаҳрамонларнинг ёш кўрсаткичларини ҳам ажратиш мумкин.

Диалог доирасидаги нутқий портретлар муаллифнинг аралашувисиз ва Бенжининг баҳосисиз (у бунга қодир эмас) ҳар бир персонажни тавсифлайди. Матнда Кэдди ва Ластрнинг нутқий портрети энг ёрқин акс этган. У. Фолкнер

¹⁹Faulkner W. The Sound and the Fury. P. 7

²⁰ Ўша асар, Б.15

²¹ Ўша асар, Б.25

²² Ўша асар, Б.31

²³ Faulkner W. The Sound and the Fury. P. 33

Бенжининг бир ҳолатдан бошқасига ўтишини таъкидлашда антитезисдан фойдаланади.

Luster: "Listen at you, now. Luster said ... Hush up that moaning ...

"Shut up that moaning". Luster said. «If you dont hush up, mammy aint going to have no birthday for you. If you dont hush, you know what I going to do...»²⁴

"What are you moaning about, Luster said"²⁵.

У. Фолкнер мазмун яратилишининг персонаж нутқининг онгли ёки онгсиз ҳолатига кириб боришга имкон берадиган "ҳикоявий ҳақиқат"ни (Р.И. Савчук терминологияси) шакллантиришнинг бундай механизмларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида қуйидаги нарративни келтирамыз:

"You can be oblivious to the sound for a long while, then in a second of ticking it can create in the mind unbroken the long diminishing parade of time you didn't hear. Like Father said down the long and lonely light-rays you might see Jesus walking, like. And the good Saint Francis that said Little Sister Death, that never had a sister"²⁶.

У. Фолкнер Квентиннинг "онг оқими" усулидаги нутқини "кучли" рамзий тафаккурга эга бўлган жанублик зиёли образини яратиш учун зарур бўлган бадий воситалардан фойдаланган ҳолда моделлаштиради. Жумладан, эпитетлар тизимини ва бутун нарратив учун аҳамиятли иқтибосларни, Квентин учун оғриқли вақт ва опа-сингиллар мавзуларига исмлардан фойдаланилишини эслатиб ўтамыз. Бутун бобнинг марказий мавзуларидан бири бўлган "опа-сингил" мавзуси бу вазиятда ҳеч нарса билан боғлиқ эмас, аммо Квентиннинг ҳақиқий таржимаи ҳолини фақат ҳозир, келажак ва унинг хаёлий олами жамланган "онг оқими" нутқи орқали билиб олиш мумкин. У. Фолкнер Квентин ҳикоясини моделлаштириш шароитида гўё дунёнинг икки хил тасвирини бирлаштиради: Квентин яшайдиган олам ва "реал воқелик". Квентиннинг "онг оқими" шундан иборатки, У. Фолкнер қаҳрамоннинг воқеликни идрок этишда илгари сурган хотира ва тасаввурларини ажратиб бўлмайди. Характер қанчалик мураккаб бўлса, ҳикоянинг услуби ва табиати шунчалик мураккаб бўлади ва когнитив нарратология нуқтаи назаридан нарратив шунчалик мураккаблашади. Қиёсланг:

What picture of Gerald I to be one of the *Dalton Ames oh asbestos Quentin has shot* background. Something with girls in it. Women do have *always his voice above the gabble voice that breathed* an affinity for evil, for believing that no woman is to be trusted, but that some men are too innocent to protect themselves... Telling us about Gerald's women in a *Quentin has shot Herbert he shot his voice through the floor of Caddy's room* tone of smug approbation. "When he was seventeen I said to him one day 'What a shame that you should have a mouth like that it should be on a girl's face' and can you imagine *the curtains leaning in on the twilight upon the odor of the apple tree her head against the twilight her arms*

²⁴ Ўша асар, Р. 6

²⁵ Ўша асар, Р.7

²⁶ Ўша асар, Р.52

*behind her head kimono-winged the voice that breathed o'er eden clothes upon the bed by the nose seen above the apple what he said?"*²⁷.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бадиий асарда ҳикояни когнитив моделлаштириш бадиий асарнинг образли тузилишини шакллантирадиган лисоний материалнинг ташкил топишини мунтазам ўрганишни ўз ичига олади. "Онг оқими" нутқи бадиий нутқнинг ўзига хос шакли бўлиб, муаллиф персонаж онгининг ботиндаги ҳақиқатини юзага чиқариш учун барча лисоний ва нолисоний воситалардан фойдаланади ва инсон руҳиятининг асосий тамойилларини чуқурроқ англашга замин яратади.

Ушбу тадқиқотда "онг оқими" нутқида "вақт" концептининг тутган ўрни ва ушбу тушунчанинг ҳикоя тузилишини моделлаштириш жараёнида фаоллашувига алоҳида эътибор қаратилди. "Вақт" тушунчасининг талқин соҳасини шакллантиришга таъсир қилувчи шарт-шароитлар ва омиллар когнитив моделлаштириш кўламида таҳлил қилинди ва ушбу тушунчанинг турли семантик қатламларини ташкил этувчи асосий контцептуал хусусиятлар аниқланди.

"Вақт" бадиий тушунчасининг вазифаси Квентиннинг "онг оқими" нутқида бир микровазиятдан иккинчисига ўтишни амалга оширадиган аниқ кўрсаткичлар ёрдамида амалга ошишини таъкидлаб ўтамыз. Матн таркибининг турли қисмларида тарқалган ушбу кўрсаткичларга эътибор қаратамыз:

*"The hour began to strike. The sparrow quit swapping eyes and watched me steadily with the same one until the chimes ceased, as if he were listening too"*²⁸;

Вақтнинг кейинги кўрсаткичи университет таълим тизими билан боғлиқ хусусиятлари (дарслар, эшкак эшиш машғулотлари жадвали, байрамлар ва ҳ.к). Шу сабабли, У. Фолкнер романда фақат Квентин ва Шрив (Квентиннинг Гарварддаги синфдоши)га тушунарли бўлган аниқ вақтни таъкидлайди, деб айтиш мумкин. Масалан, уларнинг суҳбатида:

"Is it that late?"

He looked at his watch. *"Bell in two minutes"*²⁹.

"Вақт" тушунчасининг навбатдаги вазифаси "соат" (чўнтак соати) объектида моддийлаштирилади, бу айни пайтда рамзий маънони англатади.

"Соат" тушунчасининг тавсифи куйидаги белгиларни ўз ичига олади: чўнтак соати - бу оила ёдгорлиги, соат билан Квентин учун бебаҳо бўлган унинг ўтмишдаги ҳаёти ҳақидаги хотиралар, ўтмиш хотиралари боғлиқдир. Бунда ўтмиш ва ҳозир ўртасидаги алмашинувлар рўй беради. *"It was Grandfather's and when Father gave it to me he said I give you the mausoleum of all hope and desire; it's rather excruciatingly apt that you will use it to gain the reducto absurdum of all human experience which can fit your individual needs no better than it fitted his or his father's"*³⁰.

²⁷ Faulkner W. The Sound and the Fury. P. 65

²⁸ Ўша асар. Б. 53

²⁹ Faulkner W. The Sound and the Fury. P. 52

³⁰ Ўша ерда.

Шунингдек, чўнтак соати Квентин режалаштирган ўз жонига қасд қилиш ҳаракатининг муқаррарлигини англатади. Квентин соатлардан кўрқади.

“I went to the dresser and took up the watch, with the face still down. I tapped the crystal on the corner of the dresser and caught the fragments of glass in my hand and put them into the ashtray and twisted the hands off and put them in the tray”³¹.

Бузилган соат унинг учун вақт тўхтаганлигини, унинг яшаш ва мавжуд бўлиш вақти мантиқий якунига етганини англатади.

Юқоридагилардан ташқари, Квентиннинг "онг оқими" дискурсида "соат" ҳикоянинг ўзида алоҳида ритмни ҳосил қилади:

